# Куч — адолатда

2013 йил 18 январь, жума
№ 3 (412)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

**Мамлакатимизда инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг юртимизда "Обод турмуш йили" деб ном олгани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.**

**Айтиш жоизки, бу борада истиқлол йилларида юртимизда кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида барча ҳудудларимиз, хусусан, Тошкент шаҳри беқиёс даражада ўзгарди.**



# ЮКСАЛИШ ВА ОБОД ТУРМУШ ТИМСОЛИ

Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, муҳташам иншоотлар, турар-жойлар, янги таълим ва шифо масканлари, кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилгани пойтахтимиз кўркига кўрк қўшди.

Энг муҳими, бу жараёнда инсон манфаатларини таъминлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Яъни аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Пойтахтимизнинг меъморий қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда.

Иморатлар бир-бирини такрорламайдиган лойиҳалар асосида барпо этилмоқда, айни пайтда уларнинг ҳар бири атрофдаги бинолар билан уйғунлик ҳосил қилмоқда. Сир эмаски, ҳар қандай шаҳарда кўчалар унинг яхлит умумий манзарасини белгилайди. Шу нуқтаи назардан Тошкентнинг марказий кўчаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари алоҳида эътиборга молик. Алишер Навоий кўчасида пойтахтимиз меъморий қиёфасини янгилаш ва ободонлаштириш, аҳолининг турар-жой шароитини тубдан яхшилаш дастури доирасида улкан ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бу ерда ижтимоий-маданий ҳамда савдо ва маиший объектларни ўз ичига олган, 320 хонадонга мўлжалланган саккизта кўпқаватли янги уй барпо этилди.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси билан яратилган ушбу мажмуа лойиҳаси "Тошкент бошпланлити" давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган. Мажмуа ҳар бири 7 қаватли 8 уйдан иборат бўлиб, уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватларида ижтимоий-маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

## ҚАРОРИ

2012 йил 13 декабрь | № 17 | Тошкент шаҳри

# Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

**Суд амалиётида жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан ҳамда судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоларни бартараф этиш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг эътибори ҳар бир жиноят иши бўйича ашёвий далилларга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 203- ва 211-моддалари мазмунига кўра, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамда физикавий аломатлар ёки белгиларга эга ҳар қандай нарса ашёвий далил деб эътироф этилади.

Ашёвий далил сифатида, жумладан, қуйидагилар эътироф этилади:

а) жиноят қуроллари — жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар ёхуд бевосита жиноят содир этиш жараёнида жиноий мақсадга эришиш учун фойдаланилган нарсалар (масалан, одам ўлдириш қуроллари, қимматликларни талон-тарож қилиш ёки эгаллашда восита бўлган нарсалар, ўқотар қурол, браконьерлик қуроллари — қопқонлар, тўрлар, сохта ҳужжат ва ҳ.к.);

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Islohot va samara*

# Чуқур билим ва профессионал малака уйғунлиги

## юксак савияга эга бўлган кадрлар тайёрлашнинг муҳим шарти

**Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган одил судлов ва ҳуқуқ-тартибот тизими яратилди.**

**Айтиш жоизки, соҳадаги ислоҳотлар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатни модернизация қилиш, халқ фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш дастурининг таркибий қисми ҳисобланади.**

Аниқ мақсадга йўналтирилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, ўз навбатида, бошқа йўналишларда амалга оширилган ислоҳотлар жараёнига ҳам жуда катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, иқтисодий соҳада тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланишига, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг эркинлашувига, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний кафолатлари яратилишига ва пировардида, иқтисодиётнинг юксак даражада ҳуқуқий таъминланишига олиб келди.

Айниқса, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида профессионал судьялар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш мезонлари яратилгани ўз самарадорлигини кўрсатмоқда. Бунда судьялар корпуси ҳар жиҳатдан мукаммал мутахассислар билан тўлдириб борилиши таъминланмоқда.

Шу ўринда судьялик касби, унинг олдига қўйиладиган талаблар тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, судьянинг профессионал касб малакаси — бу унинг касбий маҳорати, кўникмаси каби фазилатларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки касбнинг мукаммал ўзлаштирилганлигини англатади. Албатта, судьяликка янги тайинланган, илк марта иш бошлаётган кишини профессионал малакаси билан катта иш тажрибасига эга судья ўртасида муайян фарқ бор. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам, профессионал малака бўйича хусусиятларнинг шаклланиши бакалавриат ва магистратура таълим жараёнидан бошланади. Содда қилиб айтганда, профессионал малака бу иш материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, далилларни қиёслаш ва низо бўйича адолатли ечимга эришиш маҳоратидир.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Yangi qonun mohiyati*

# Қонунчиликни либераллаштириш изчил давом этмоқда

## қабул қилинган янги қонун ҳам шу мақсадга хизмат қилади

**Аввало шуни айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир, деб таъкидланган.**

Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5-6 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид бир қатор муҳим қонунлар маъқулланди. Шулардан бири **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонундир. Ушбу қонун 2013 йил 4 январь куни матбуотда эълон қилиниб, қонуний кучга кирди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Insonparvarlik tamoyillari*

# Бағрикенглик ва кечиримлилик

## қонунда акс этган ушбу қадриятлар амалда кутилган самараларни бермоқда

**Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Айниқса, қонунчиликнинг либераллаштирилгани жамиятда барқарорликни мустаҳкамлаш, судланганлик ҳолатининг камайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Албатта, қонунчиликда жорий этилган бундай янгиликлар ҳаётий асосларга эга бўлиб, унинг замирида инсон тақдири ва келажаги акс этгани билан диққатга сазовордир.

**(Давоми учинчи бетда)**

**Тадбиркорлик ривожланган юртда халқнинг турмуш даражаси ҳам юксалиб бораверади. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ соҳани қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга катта имкониятлар яратиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Аввало, соҳа фаолиятини тартибга солишга хизмат қилувчи мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди.**

*Istiqlol imkoniyatlari*

# Тадбиркорлик ривожи — тараққиёт гарови



Бозор муносабатлари асосида ривожланаётган демократик давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилиб, юртимиз қонунларида ҳам тадбиркорлик субъектлари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкинлиги, шунингдек, тадбиркорлар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эканликлари белгилаб қўйилди.

Айтиш керакки, ҳозир мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми хусусий сектор вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса, тадбиркорликка қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Меҳнат ҳуқуқи ҳимояси

## амалдаги қонунларда ўзининг теран ифодасини топган

**Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бу мамлакатимиз Асосий қонунида кафолатланган фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқлариданидир.**

Меҳнат муносабатлари иш берувчи ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси асосида вужудга келади. Меҳнат кодексининг 72-моддасига биноан меҳнат шартномаси ходимлар билан иш берувчилар ўртасида тузилган битим бўлиб, бу битимга кўра, ходимлар муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда бажарилишини ўз зиммасига олади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

## ҚАРОРИ

# Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

б) ўзида жиноят изларини сақлаб қолган нарсалар (масалан, қон излари мавжуд кийим, нарсалар ёки жиноят содир этилиши жараёнида йиртилган кийим, нарсалар, ўқ отилиши ёки портлаш натижасида шикастланган нарсалар, қўлнинг, транспортнинг, бузиш қуролларининг излари ва ҳ.к.);

в) жиноий ҳаракатлар объекти бўлган нарсалар (масалан, олиб қочилган автомобиль, талон-тарож қилинган пуллар, қимматли қоғозлар, қурол, гиёҳвандлик воситалари, бошқа моддий қимматликлар, буюмлар ва ҳ.к.);

г) жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин жиноий йўл билан топилган маблағлар эвазига топилган мол-мулк, пуллар ва бошқа қимматликлар (масалан, ўғирланган пулларга сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар, жиноий фаолият натижасида, жумладан, қонунга хилоф равишда тадбиркорлик билан шуғулланишдан топилган нақд пуллар, нодир металлар ва тошлардан иборат хомашё ва буюмлар, бошқа қимматликлар).

3. Шуни назарда тутиш лозимки, ашёвий далилларни олиш усуллари қонунда қатъий белгиланган. ЖПК 205-моддасига кўра, ашёвий далиллар суриштирувчи, терговчи томонидан (ҳодиса содир бўлган жойни, бинони кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатмани ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш пайтида) олиниши ёинки суриштирувчи, терговчи ёки судга ЖПК 198-202-моддаларида назарда тутилган тартибда ҳимоячи ёхуд бошқа шахслар (фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар мансабдор шахслари) томонидан тақдим этилиши мумкин.

4. Судларга тушунтирилсинки, суриштирув, тергов ҳаракатларини юритиш пайтида топилган, олинган ёки бошқа шахслардан қабул қилинган нарсалар фақат қуйидаги процессуал ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин ашёвий далил маъносини касб этади:

иш учун аҳамиятли бўлган нарсани топиш, олиш ёки қабул қилиш факти расмийлаштирилганидан (баённома тузилганидан ёки суд баённомасида акс эттирилганидан);

нарсанинг ишга дахлдорлиги тўғрисида хулосага келиш ва уни индивидуаллаштириш учун зарур белгиларни аниқлаш мақсадида уни ЖПК 135-137, 139 ва 140-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан дарҳол кўздан кечирилганидан;

нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарилганидан ва у ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилганидан.

Суриштирув ёки дастлабки тергов органлари томонидан белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган, бироқ ашёвий далил деб топилмаган нарсалар прокурор ёки суд томонидан ЖПК 207-моддасига мувофиқ ашёвий далил деб эътироф этилиши ва жиноят ишига қўшиб қўйилиши керак.

5. Ашёвий далилларнинг жиноят ишини тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор, суд ашёвий далилларнинг йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш юзасидан ЖПК 208, 209-моддаларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбурдирлар.

Бунда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 15 июлда 200-сон билан тасдиқланган "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 29 декабрда 2174-сон билан рўйхатга олинган "Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага ҳам қатъий риоя этилиши лозим.

6. Ашёвий далиллар ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим ёки қарор устидан шикоят бериш муддати ўтгунга қадар сақланади. Шу билан бирга, ЖПК 210-моддаси биринчи қисми талабига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зарур процессуал ҳаракатлар амалга оширилгандан сўнг айрим ашёвий далилларни, жумладан, тез бузилувчи нарсалар, кундалик рўзғорда зарур бўладиган нарсалар, уй ҳайвонлари, паррандалар ва боқиш лозим бўлган бошқа ҳайвонларни тегишлилиги бўйича дарҳол қайтариб бериш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт (мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

7. Судларнинг эътибори ашёвий далилларни синчковлик билан текшириш иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигига қаратилсин.

Ашёвий далиллар суд мажлисида иш бўйича бошқа далиллар билан бир қаторда кўздан кечириш йўли билан текширилиши лозим. Ашёвий далиллар процесс иштирокчиларига кўрсатилганда, улар ашёвий далилларни текшириш билан боғлиқ у ёки бу ҳолатларга суднинг эътиборини жалб этишлари мумкин. Ашёвий далилларни кўздан кечириш бўйича суд амалга оширган барча ҳаракатлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши керак.

8. Ашёвий далиллар иш бўйича бошқа далиллар билан биргаликда, энг аввало, уларни олиш ҳолатлари ва текшириш натижалари қайд этилган ҳужжатлар билан бирга баҳоланиши лозим. Масалан, ўғирланган буюм уни айбланувчидан ёки бошқа шахсдан олиб қўйиш қайд этилган баённома, буюмнинг жабрланувчига тегишлилигини тасдиқлаган шахсларни сўроқ қилиш баённомаси ёхуд мазкур буюм жабрланувчи томонидан таниб олинганлиги тўғрисидаги баённома билан биргаликда далил ҳисобланади. Шу каби, бармоқ ёки оёқ кийими изи фақат уни текшириш натижалари қайд этилган эксперт хулосаси билан биргаликда далил кучига эга ва ҳ.к.

Ашёвий далилларни баҳолашда судлар ЖПК 95-моддасида назарда тутилган талабларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорида баён этилган тушунтиришларга риоя этишлари лозим.

9. Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ жиноят ишини юритиш тамом бўлганда (ишни тугатиш ёки иш бўйича ҳукм чиқаришда) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилган нарсалар ва ҳужжатларнинг тақдирини белгилаши шарт.

Қонунга кўра, ашёвий далилларга оид масала қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал этилади:

жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъий назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади;

муомаладан чиқарилган ашёлар (масалан, гиёҳвандлик воситалари, қурол, портловчи ёки психотроп моддалар) тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса, уларга берилиши мумкин;

жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа қимматликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек, меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин жиноят йўли билан топилган маблағлар ҳисобидан орттирилган пуллар ва бошқа қимматликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплашга ўтказилади, мулкий зарар мавжуд бўлмаган ёки тўлиқ қопланган ҳолларда, давлат фойдасига ўтказилади;

ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатлар, аудио-видео ёзувлар ишни сақлаш буткул муддати давомида асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади.

Жиноят иши бўйича дастлабки тергов юритилиши даврида олиб қўйилган ёки хатланган, бироқ ашёвий далил деб эътироф этилмаган ва ишга алоқадор бўлмаган нарсалар суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суд томонидан тегишлилиги бўйича қайтарилиши керак.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баъзи ҳолларда айрим қилмишлар, масалан, контрабанда, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ташиш, одам ўғирлаш ва ҳ.к. учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар жиноят содир этишда фойдаланган автомашиналар, мотоциклар ва бошқа транспорт воситалари жиноят қуроли деб эътироф этилиши мумкин. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, ушбу транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан фақат улов сифатида эмас (масалан, айбдор томонидан қонунга хилоф равишда балиқчилик жинояти қармоқлар ва тўрлардан фойдаланилган ҳолда содир этилган бўлиб, автомобилдан фақат улов сифатида фойдаланилган бўлса), балки қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарур (масалан, талон-тарож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган бўлса).

11. Жиноят ишларини кўриш вақтида судлар суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан ашёвий далилларга оид қонунчиликка риоя этилганлигини аниқлашлари лозим. Процессуал қонунчилик нормалари бузилиши аниқланган ҳолларда, судлар унга жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари керак.

12. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштиришлари ва йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси** **Б.МУСТАФАЕВ**

**Пленум котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси** **А.УСМАНОВ**

*Istiqlol imkoniyatlari*

# Тадбиркорлик ривожи — тараққиёт гарови

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик асослари тубдан такомиллаштирилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 28 мартдаги **"Тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қарорига асосан хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдан олиниши лозим бўлган савдо реестридан кўчирмадаги еттита талабдан учтаси, яъни хорижий юридик шахснинг номи, жойлашган манзили ва хорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳақидаги маълумотлар қолдирилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъекти томонидан таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб рўйхатга олувчи органга мурожаат қилиш оралиғидаги муддат етти иш кунидан бир ойгача узайтирилди ва таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни ваколатли шахс томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилиши белгиланди.



Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори асосида 2011 йил 1 июндан бошлаб янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фондининг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 40 бараваригача камайтирилди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра, намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияларида мазкур субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида белгиланиб, нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинди. (Хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно).

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги **"Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ва 18 июлдаги **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонлари асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик янада соддалаштирилди. Мазкур Фармонларга кўра, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш пайтида киритилиши лозим бўлган устав фондининг бир қисми шакллантаганини тасдиқловчи ҳужжатларни олишнинг бекор қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сонининг кескин кўпайишига, иқтисодиётимизга киритилаётган инвестиция оқимининг ошишига хизмат қилмоқди.

Айтиш керакки, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг сони йилдан-йилга кўпаётгани ҳам тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар ўз самарасини бераётганини кўрсатади.

Шу ўринда қонунчиликни либераллаштиришда Ўзбекистон эришаётган ютуқлар нафақат ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигига тенглашганини, балки баъзи соҳаларда илгарилаб кетганини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Масалан, рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги қонунчиликни олайлик. Ҳеч бир давлат қонунчилигида рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор уч соатда кўриб чиқилмайди. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами) олиб бериш ҳам рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасига юклатилган. Бу ҳам тадбиркорлик субъекти бюрократик тўсиқ ва оворагарчиликларга дуч келишининг олдини олади. Бундан ташқари дунёнинг саноқли давлатларида рўйхатдан ўтиш учун тақдим қилинадиган таъсис ҳужжатлари ҳамма учун очиқ ҳисобланади. Мамлакатимизда эса, Адлия вазирлигининг ташаббуси билан деярли барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари вазирлик расмий сайти www.minjust.uzга жойлаштирилгани тадбиркорларнинг маблағи ва вақтини тежамоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартишлар мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, қўшимча иш ўринларининг яратилишига, фуқаролар турмуш даражасининг янада ошишига хизмат қилади.

**Иброҳим ТУРҒУНОВ,**
*Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи*

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Меҳнат ҳуқуқи

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Иш берувчи эса, меҳнат қонунларига асосан жамоа шартномасида ва тарафларнинг ўзаро битимида кўзда тутилган иш ҳақини ходимларга тўлаб туриш ва меҳнат шароитини таъминлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Шартнома ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзоси билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси корхона муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат кодексининг 75-моддасига асосан меҳнат шартномаси номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган, муайян ишни бажариш муддати назарда тутилган ҳолдаги муддатларга тузилади. Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ белгиланган муддатларда тўлаши шарт.

Айтиш керакки, амалдаги Меҳнат кодексининг 270-моддасида меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожаат этиш муддатлари белгилаб қўйилган. Жумладан, ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой, ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича - зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил, бошқа меҳнат низолари бўйича - ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой муддат белгиланган.

Ушбу белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддат суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"**ги қарорида ишга тиклаш ҳақидаги низо бўйича ариза ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида бевосита судга берилиши зарур эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

*Yangi qonun mohiyati*

# Қонунчиликни либераллаштириш изчил давом этмоқда

## қабул қилинган янги қонун ҳам шу мақсадга хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Дарҳақиқат, ушбу янги қонун билан Жиноят кодексининг бир қатор моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилди. Хусусан, ушбу янги қонуннинг 2-моддаси 1-банди билан Жиноят кодексининг 41-моддаси алоҳида бешинчи қисм, яъни "Тадбиркорлик субъектларининг ўзларига кўрсатилган хизматлари, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди" деган таҳрирдаги меъёр билан тўлдирилди.

Мазкур меъёр, биринчидан, тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи идоралар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайдиган бўлса, иккинчидан, тадбиркорларни ўз фаолиятида таваккалчилик асосида фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, кўзланган мақсадга эриша олмай, кредитлар юзасидан банклар ва молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда, банк ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

Бундан ташқари ушбу янги қонуннинг 2-моддаси 2-банди билан Жиноят кодексининг 66[1]-моддасидаги ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид моддалар доираси янада кенгайтирилиб, 180-модда ("Сохта банкротлик"), 181-модда ("Банкротликни яшириш"), 189-модда ("Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш"), 191-модда ("Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш") билан тўлдирилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур меъёрларни ярашув институти доирасига киритишдан кўзланган асосий мақсад — жиноят ишларини самарали тарзда ҳал қилиш учун ярашув институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, пировардида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми сифатида жиноий жавобгарликни янада либераллаштиришдан иборатдир.



Маълумки, судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Судланганлик шахснинг содир қилган жинояти учун муайян жазо турига ҳукм этилганликдан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Амалдаги Жиноят кодексининг 78-моддасида судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатлари белгиланган. Унга кўра, шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда, яъни шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов муддати тугаган кундан бошлаб, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач, жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач, қамоқ жазоси ўталганидан кейин икки йил ўтгач, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин тўрт йил ўтгач, беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтгач, ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин ўн йил ўтгач тугалланиши белгиланган. Ушбу кодекснинг 79-моддаси талабига кўра, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан сўнг унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномага кўра, суд Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Айтиш керакки, ушбу янги қонуннинг 2-моддаси 3-бандига кўра, Жиноят кодексининг 79-моддаси қуйидаги янги иккинчи қисм билан тўлдирилди: **"Ушбу кодекснинг 178-184, 185-185², 189-192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказмаганда, ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтгандан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин"**.

Қонунга бундай ўзгартиш киритилиши — судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлишини инобатга олсак, қайд этилган моддалар мазмунига кўра, жиноий жавобгарликка тортилиб, тайинланган жазони ўтаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, энг муҳими, уларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши учун имконият яратилади.

Шунингдек, мазкур янги қонун билан Жиноят кодексининг 183-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, **"Рақобат тўғрисида"**ги қонуннинг айрим моддалари матни билан мослаштирилди.

Бундан ташқари ушбу янги қонун билан Жиноят кодексининг 223-моддаси ("Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш") иккинчи қисми "такроран ёки хавфли рецидивист томонидан" деган банд билан тўлдирилди. Яъни қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби такроран ёки хавфли рецидивист томонидан бузилган тақдирда жиноий жавобгарлик муқаррарлиги оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг алоҳида йўналишларидан бири бу — иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликни либераллаштириш, ярашув институти доирасини янада кенгайтириш, жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишига эришиш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, энг муҳими, инсон қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун бўлишини таъминлашдан иборатдир.

**Абдунаби ЖАЙНАРОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими*

*Islohot va samara*

# Чуқур билим ва профессионал малака уйғунлиги

## юксак савияга эга бўлган кадрлар тайёрлашнинг муҳим шарти

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**



Айтиш керакки, мутахассиснинг билими ва профессионал малакаси ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Тегишли билими бўлмаган шахс шу соҳада қанча кўп ишласа ҳам юқори профессионал малакага эга бўла олмайди. Зеро, билим — бу моддий ва процессуал қонунларни шунчаки билиш эмас, балки уларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш ва амалда тўғри қўллай билиш маҳоратидир.

Маълумки, қонун ижодкорлиги динамик жараён бўлиб, ҳар доим янгидан-янги қонунлар қабул қилинади, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Бу эса, мутахассисдан қонун ижодкорлиги жараёнини диққат билан кузатиб боришни талаб этади. Айниқса, фуқаролик ва хўжалик судлари судьялари учун бу ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки хўжалик, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар кўлами ниҳоятда кенг.

Кези келганда яна шуни айтиш жоизки, мутахассиснинг ташкилотчилиги биринчи галда уни одамлар билан ишлай олиш маҳоратида, ишни ташкил этиш, ходимларни жой-жойига қўйиш, уларга хизмат ваколатлари ва имконият даражаларига қараб юкламалар бериш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш, бошқа идора ва муассасалар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, адвокатура тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишда намоён бўлади. Ташкилотчилик қобилияти, айниқса, бир неча таркибли судлар раислари учун ўта зарур малака белгиларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда судьялар корпусини шакллантиришда алоҳида эътибор қаратилаётган жиҳатлардан яна бири — бу мутахассиснинг маънавий савияси ҳисобланади. Маълумки, кишининг маънавий савияси унинг ички дунёси, иймон-иродасини кўрсатадиган кўзгудир. Профессионал малака каби маънавий савия ҳам кишининг билим даражасига боғлиқ. Шу билан бирга, юксак аҳлоқий фазилатлар, ватанпарварлик туйғуси мутахассиснинг маънавий савиясини оширадиган фазилатлардандир. Буни шакллантиришда адабиёт, санъат, мусиқа ўзига хос таъсир кучига эга.

Одил судлов соҳасида мутахассисларнинг аҳлоқий фазилатлари орасида камтарлик, хушмуомалалик, кишиларга нисбатан эътибор ва холислик алоҳида аҳамиятга эга. Бундай мутахассислар адолат, инсоф, одиллик ва қонунийлик сифатларини ниҳоятда чуқур англаб етиши ва амалда уларга оғишмай амал қилиши талаб этилади. Одиллик холисликни тақазо этади. Бунда низолашувчи томонларга бир хил муносабатда бўлиш, бир хил талаб қўйиш шарт. Оқилоналик кишининг хатти-ҳаракатини баҳолашда унинг ҳолатини англаб етиш, ўта кескин, ноўрин талаблар қўймаслик, барча тарафлар учун муайян даражада мақбул ечим топишга интилиш, қўлланадиган таъсир чораси ҳуқуқбузарнинг тузалиши, тўғри йўлга киришига йўналтириш ҳисобланади.

Албатта, адолатлилик қонунда белгилаб қўйилган одил судлов тамойили ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек, адолат қонун устуворлигидадир. Мамлакатимизда яратилаётган қонунлар адолат руҳи билан суғорилган.

Биз юқорида суд тизими учун кадрлар тайёрлаш, хусусан, судьялар корпусини шакллантириш мезонларининг айрим қирралари ҳақида фикр юритдик. Ушбу мезонларнинг ҳар бири тўғрисида узоқ фикр юритиш мумкин. Энг асосийси, судьялар корпусини шакллантиришга дахлдор ҳар бир мутахассис ушбу мезонлар моҳиятини чуқур англаб етиши ва унга оғишмай риоя қилишидир.

**Омон ОҚЮЛОВ,**
*юридик фанлар доктори*

*Insonparvarlik tamoyillari*

# Бағрикенглик ва кечиримлилик

## қонунда акс этган ушбу қадриятлар амалда кутилган самараларни бермоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Қолаверса, хатосининг оқибатини англаб етган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган киши ўзига тегишли хулоса чиқариб, келгусида бундай қилмишни қайта такрорламасликка, эл-юрт олдида юзини ёруғ қилишга ҳаракат қилади. Шундай экан, бундай кишиларга қаттиқ жазо беришдан кўра, ижтимоий ҳаётга фаол аралашишига эришиш мақсадга мувофиқ. Бу борада **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қонунга биноан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилди, хусусий мулк дахлсизлиги кафолати сифатида мол-мулк мусодараси жазо тизимидан чиқарилди, етказилган моддий зарар ихтиёрий тарзда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайдиган бўлди, дастлабки тергов ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаб туриш муддатлари қисқартирилди, амалдаги қонунчиликка ярашув институти киритилди. Мазкур ўзгартишлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганига бугун ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Масалан, фуқаро Самадулло Абдиевга (исм-шарифлар ўзгартирилган) оид жиноят иши тафсилотлари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Гап шундаки, Самадулло Абдиев оилали, икки нафар фарзанднинг отаси, қолаверса, қарамоғида кекса онаси бўлишига қарамай қинғир ишга қўл урди. Айтиш жоизки, у пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида вақтинча истиқомат қилиб келган ҳолда нотаниш кишиларни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш, ўзганинг мулкини қўлга киритиш, қисқа муддатда мўмай даромад орттиришни мақсад қилиб, сохта режалар туза бошлайди.

Буни қарангки, ишонувчан, содда одамлар ҳам бир зумда топила қолди. Ботиржон Мадиев унинг ёлғондан тўқилган тўрига тушган илк "мижоз"лардан бўлди. Ботиржоннинг соддалигидан фойдаланган Самадулло унга хорижда ишлаб чиқарилган, ҳар хил ҳажмдаги темир қувур маҳсулотларини арзон нархда етказиб беришни ваъда қилиб, жами 12 000 АҚШ долларни қўлга киритади ва бу маблағни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

Бироқ С.Абдиевнинг жиноий ҳаракатлари узоққа чўзилмади. Унга жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг ҳукми билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Боши деворга урилгандан сўнг Самадулло хатосини англаб етади. Шундан сўнг у қилмишидан чин дилдан пушаймонлиги, жабрланувчиларга етказган зарарни тўлиқ қоплаганини қайд этиб, апелляция инстанциясига мурожаат қилди.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмида етказилган моддий зарар ўрни тўлиқ қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди, деб кўрсатилган. Шу боис апелляция инстанцияси суди биринчи босқич суди ҳукмини қонунга мувофиқлаштириб, протест ва шикоятни қаноатлантиришни лозим топди. С.Абдиевнинг оилавий шароити, айбига иқрорлиги ва қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, зарар унинг қариндошлари томонидан тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни лозим топди ва С.Абдиев суд залида қамоқдан озод этилди.

Гувоҳи бўлганимиздек, қонунчилигимизда сингдирилган инсонпарварлик, адолат тамойиллари кишининг ижтимоий ҳаётдан яна ўз ўрнини топишига катта имконият яратмоқда. Ушбу ҳуқуқий мезонлар шахснинг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга, оиладаги мустаҳкамликни таъминлашга замин яратаётгани билан янада аҳамиятлидир.

**Баҳром ТОШПЎЛАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси*
**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

# ҲИМОЯСИ

## амалдаги қонунларда ўзининг теран ифодасини топган

Судья даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган, деган асос билан даъво аризани қабул қилмасликка ҳақли эмас.

Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган, деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар суд ишдаги ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборганлигини аниқласа, даъвони рад этади.

Айтиш керакки, амалиётда баъзи фуқаролар даъво муддатини ўтказиб юбориб, судга мурожаат қилаётган ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан, Ҳ.Темиров судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ишга тиклаш, иш ҳақи ва етказилган маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Лекин у қонунда белгиланган даъво муддатини узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборган. Шу боис суд томонидан унинг даъвоси рад этилган.

Маълум бўлишича, Ҳ.Темиров ишдан бўшатилганидан сўнг турли идораларга ариза билан мурожаат қилган, лекин унинг мурожаатлари жавобсиз қолган. У вилоят фан ходимлари касаба уюшмаси кенгашига ҳамда Республика касб-ҳунар таълими марказига ариза билан мурожаат қилганда улар унга фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишни тушунтиришган. Бунгача даъвогар судга мурожаат қилишни умуман билмаганлигини, шунга кўра, суддан уни ўз лавозимига ишга тиклашни ва ўртача ойлик маошини ва етказилган маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар вакили — Навоий вилояти касб ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси даъвони тан олмасдан, Ҳ.Темиров билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ қонуний чиқарилганлигини, ушбу буйруқ билан даъвогар танишиб, имзо қўйиб берганлигини, суддан Меҳнат кодексининг 270-моддасига асосан ишга тиклаш низолари бўйича мурожаат этиш муддати ўтказиб юборганлиги сабабли даъвони рад этишни сўради.

Шунингдек, даъвогар — Хатирчи тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази фуқаро З.Хушанованинг манфаатларини кўзлаб, жавобгар — Хатирчи тумани 53-сонли ўрта таълим мактабига нисбатан "ишга тиклаш ва маънавий зарарни ундириш ҳақида"ги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Бу ҳолатда ҳам даъво қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлиги сабабли у қаноатлантирилмади.

Бундан кўриниб турибдики, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ишлар жараёнида уларни меҳнат ҳуқуқларига оид билимлар билан таништириш долзарб масалалардандир. Уларга меҳнат қилиш жараёнидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур тушунтириш, яратилган имтиёзлардан фойдаланиш, ҳуқуқи бузилганда қачон, қаерга мурожаат қилишни ўргатиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Боиси юқоридаги каби ҳолатларда ходимлар ўз ҳуқуқларини яхши билиб, вақтида судга мурожаат қилганларида уларнинг манфаатлари қонуний йўл билан тикланган бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларни билиш ва уларга амал қилиш фуқароларнинг манфаати таъминланиши билан бирга уларнинг ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариб самарали меҳнат фаолияти билан шуғулланишига кўмаклашадиган муҳим омиллардандир.

**Нурали РАҲМОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг судьяси*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара шартномаси қандай тузилади?***

**Д.ЖЎРАЕВ,**
*Каттақўрғон тумани*

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш мумкинки, бозор муносабатлари шароитида шартномалар фуқаролар, юридик шахслар ўртасидаги фуқаровий-ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Ана шундай шартномалардан бири сотиб олиш ҳуқуқи билан тузиладиган ижара шартномасидир. Шартномада бир томондан "Ижарага берувчи", иккинчи томондан "ижарачи" қатнашади. Шартномада ижарага берувчи ўзига тегишли бўлган мол-мулкнинг номи, миқдори, қийматини сўм ҳисобида, ижара муддати, ижара ҳақи, амортизация миқдорларини кўрсатган ҳолда ижарачига тақдим этади.

Шартномада унинг амал қилиш муддати белгиланади. Ижарага олинган мулк, ижарачи тўла амортизация муддатига топширилган мулкнинг қийматидан белгиланган ижара ҳақини ижарага берувчи тўлиқ тўлаб бўлган бўлса, шартнома бўйича амортизация муддати тугамасдан туриб ижара муддати тугагани мулкнинг қолдиқ қийматидан тўловлар ижара берувчига тўлиқ тўланган бўлса, унинг эгалигига ўтади.

**Саволга Пастдарғом тумани 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Улуғбек САТТАРОВ жавоб берди.**

*Iftixor*

# Юксалиш ва обод турмуш тимсоли





**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Уйлар автомобиль магистралидан 24,5 метр ичкарида қурилгани хонадонларни кўчадаги автомобиллар шовқинидан ҳимоя қилиш имконини беради. Алишер Навоий кўчаси ва уйлар ўртасида каштан кўчатлари ўтқазилган хиёбон ташкил этилди. Бу, табиийки, мажмуадаги савдо ва маиший комплексларга келганлар учун ҳам қатор қулайликлар яратади. Бинолар фасад қисмининг дастлабки икки қавати қизил гранит, кейинги беш қавати оқ кристаллит ойна билан қопланган.

Ҳар бир уй икки блок-секциядан иборат бўлиб, битта блок-секцияда 20 хонадон, битта уйда эса уч, тўрт ва беш хонали 40 хонадон жойлашган. Хонадонлар кенг, шифтлари баланд, ёруғ ва шинам, бемалол яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювиниш хонаси халқимизнинг турмуш тарзига мос ҳажмда ва тартибда лойиҳалаштирилган.

Уйларнинг ҳовли томонидаги каштан, қарағай, эман каби дарахтлар экилган, кенглиги 32 метрни ташкил қилувчи кўкаламзорлаштирилган ҳудуд кўзга қувонч бағишлайди. Ушбу яшил ҳудуд ва унинг атрофида микроиқлим ҳосил қилиш мақсадида фавворалар қурилган, болалар учун ўйин ва спорт майдончалари яратилган. Хиёбонда замонавий ёритиш ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ўрнатилган.

— Мана шундай замонавий уйга кўчиб ўтганимиз оиламиз учун унутилмас воқеа бўлди, — дейди янги хонадон соҳибларидан бири, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари Ўктам Қурбонов. — Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов оилаларни, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Оиламизнинг имтиёзли шартлар асосида Европа мамлакатларидаги энг замонавий уйлардан сира қолишмайдиган турар-жойга эга бўлгани ана шу юксак ғамхўрликнинг, юртимизда инсон омилига нақадар катта аҳамият берилаётганининг яққол намунасидир.

— Менинг ёшлигим ушбу янги иморатлар тушган ерларда ўтган, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Дегрез маҳалла фуқаролар йиғини раиси Марат Ғуломов. — Ўша даврларда кўчанинг бир томони эски ҳовлилардан иборат, иккинчи томони эса жарлик, турли зарарли ва заҳарли ҳашаротларнинг уяси эди. Шаҳар марказидаги бундай кўримсиз ва бефайз манзара одамнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмасди, албатта. Кейинчалик кўча юзида бир-биридан хунук, омонат савдо дўконлари қурилди. Аммо уларнинг орқа томони жарлигича, хилватлигича қолаверди. Дўконлардан чиққан турли чиқиндилар кўчадаги санитария ҳолатини янада ёмонлаштирди. Бугун биз кўриб турган мана бу манзара эса мўъжиза! Қисқа вақт ичида бу ерда мана шундай обод маскан - замонавий турар-жой биноларининг барпо этилиши истиқлолимиз шарофатидан, Юртбошимизнинг халқимиз манфаатларини таъминлаш борасида юритаётган изчил сиёсати самараларидандир.

— Янги уйларда биз, аёллар учун яратилган қулайликларни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди, холос, — дейди хонадон соҳибаси, Чилонзор туманидаги 126-мактаб ўқитувчиси Бибидона Мирзаева. — Кенг ва шинам меҳмонхона, ошхонада яратилган қулайликлар, бу ердаги замонавий жиҳозлар ҳар қандай уй бекасининг ҳавасини тортиши шубҳасиз. Фарзандларимизнинг дарс тайёрлаши, дам олиши учун ҳам барча шароит муҳайё. Яна бир қулай томони тўрт хонали уйимизда учта ювиниш хонаси бор. Бу — уйни лойиҳалаштиришда халқимизнинг урф-одатлари, ўзига хос турмуш тарзи билан боғлиқ жиҳатлар эътиборга олинганидан далолатдир. Бундай ғамхўрлик учун Президентимиздан жуда миннатдормиз.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчани маржонга тизилган марвариддай безаб турган бу янги уйлар халқимиз бунёдкорлик салоҳияти ва эзгу орзулари ифодасидир. Жорий йилда айнан мана шундай бунёдкорлик ишлари, юртдошларимиз учун қулай уй ва шинам хонадонларнинг яна кўплаб барпо этилиши мақсад қилиб қўйилгани фаровон турмушимиз файзига файз қўшади.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**



**Бу жонзотларнинг ер юзида пайдо бўлиши тарихига назар ташласак, табиатни асраш нечоғлик муҳим тадбир эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Шунингдек, бу жонзотлар ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлишнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, айнан улар ёввойи отлар туркумига мансуб, айни пайтда эркинликда қолган ягона турлардан бири ҳисобланади.**

*Sirli olam*

# Биз билган ва билмаган дунё



## ТАБИАТНИНГ НОЁБ АРҒУМОҚЛАРИ

Айтиш керакки, қулонлар илгари қитъамизнинг жанубий қисми ва Европанинг барча даштли ҳудудларида, шунингдек, Ғарбий Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда яшаган. Аммо уларнинг овчилар томонидан таъқиб этилиши натижасида бу жонзотларнинг сони кескин қисқариб кетди.

Бундан ташқари чўл ҳудудларининг ўзлаштирилиши ва дашт-далаларнинг қисқариб бориши ҳам қулонлар ҳаётига таъсир қилмай қолмади.

Бунинг оқибатида қитъамизнинг шимолий қисмидаги қулонлар бутунлай қирилиб кетди. Кўп ўтмай бундай тақдир шарқий ҳудудларда яшайдиган қулонлар бошига ҳам тушди. Шу тариқа ўн тўққизинчи асрга келиб, ёввойи қулонларнинг унча катта бўлмаган отарлари сақланиб қолди.

Шу ўринда ёввойи қулонларнинг табиатига тўхталиб ўтадиган бўлсак, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бу жонзотлар туёқли жониворлар ичида энг учқурларидан бири ҳисобланади. Қулон очиқ майдонда соатига 60-70 километр тезликда югура олади. Бу жониворнинг энг секин югуриши соатига 20-30 километрни ташкил этиши мумкин. Одамзот боласи ўқотар қуролларни кашф этгунга қадар қулонларни қўлга олиш ўта мушкул иш ҳисобланган. Милтиқ ўқи эса, ўқдек учаётганига қарамай қулонларни осонгина мавҳ эта олган. Ўз вақтида қулон овининг авж олишига асосан бу жониворнинг ноёб ва хуштаъм гўшти сабаб бўлган. Унинг гўшти бозорларда жуда юқори нархда сотилган. Бундан ташқари қулоннинг сифатли териси ҳам жуда қадрланган.

Қулонлар бир қарашда хачирга ўхшаб кетса-да, уларни калта қулоқларига қараб дарҳол фарқлаб олиш мумкин. Одатда, қулонлар қуёш чиқиши билан ўт-ўлан излашга тушади, улар кундузи ҳордиқ чиқаришга, мизғиб олишга ўрганмаган. Уззу кун пода бўлиб дашту далаларда ўтлаб юрадиган қулонлар кун ботарда сув бўйига етиб келади-да, чанқоғини қондириб олишгач, буталар панасида тунайди.

Қулонлар қишда ўта оғир ҳаёт кечиришади. Қор ёки муз тагидан емиш излаб топиш жараёнида улар туёқларини осонгина шикастлаб олиши мумкин.

Қулонлар беш-етти бошдан иборат кичик пода бўлиб ҳаёт кечиради. Тўда боши вазифаси табиийки, отардаги энг бақувват ва зийрак қулон зиммасига тушади. Йўлбошловчилик вазифасини эса, катта тажрибага эга она қулон бажаради.

Айтиш керакки, отардаги тўдабошининг ҳам, йўлбошловчининг ҳам ўзига яраша вазифалари бўлиб, тўдабоши отардан бироз узоқда айланиб юриб, атрофни синчков ва ҳушёрлик билан кузатади, бирон-бир хавф-хатар туғилса, дарров бундан отарни огоҳлантиради. Йўлбошловчи қулон ўз отарини ўт-ўлан ва емиш бўлиқ жойларга бошлаб боришни уддалаши лозим.

Кўпайиш вақтида агар отарга бошқа отардан бирор-бир ёш қулон яқинлашиб қолса ҳам тўдабоши дарҳол жангга отилади. Бундай олишувлар ниҳоятда бешафқат бўлиб, қулонлар нақ йўлбарсга айланиб кетади. Рақиблар бир-бирини тишлайди, ерга ағанатиб ташлаб, бир-бирининг бўйнига шафқатсиз тарзда тиш солади. Улар орқа оёқда тик турганча олишувда давом этиши мумкин. Шунинг учун ҳам катта ёшдаги эркак қулонларнинг бўйин қисмида ҳамиша чандиқ изларини кўриш мумкин.

Она қулонлар ҳомиласини деярли бир йил кўтариб юради. Тўлғоқ пайти яқинлашганида улар ўз отаридан ажралиб, ёлғиз ўзи узоқроққа кетади-да, митти қулончани дунёга келтиради. Шундан сўнг она қулон боласини отар билан таништиришга олиб боради. Аммо бу илк учрашув ҳар доим ҳам тинч кечмайди. Янги меҳмонни бошқалар ҳам обдон ҳидлаб, синчиклаб текшириши билан бирга, баъзилари уни тишлаши мумкин. Ана шундай пайтда она қулон кичкинтойини ҳушёрлик билан ҳимоя қилади. Эндигина дунёга келган кичкинтой қулонларга фақат отарбошигина тегмайди. У бу янги меҳмонларни ҳам биринчи кунданоқ асраб ҳимоя қилади.

Таъкидлаш жоизки, қулонларнинг нафақат, эшитиш қобилияти кўриш ва ҳид билиш хусусиятлари ҳам ҳавас қилгулик даражададир. Бу жониворлар зиғирдек таҳдид ёки хавф сезилди дегунча шамолдек елиб, бирдан кўздан ғойиб бўлади.

**Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.**

**Бу ҳаётда инсонни тўғри йўлдан оздирадиган иллатлар оз эмас. Шулардан бири гиёҳвандлик десак, хато бўлмайди. Чунки гиёҳвандлик иллатига ружу қўйган кимса нафақат ўз соғлиғига путур етказади, балки атрофидагиларнинг ҳам тинчини бузади.**

*Jinoyatga jazo muqarrar*




Бундан ташқари гиёҳвандлик иллатига ружу қўйганлар ОИТС хасталигининг асосий тарқатувчилари эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Буларнинг бари бу иллатга қарши муросасиз курашиш бугунги кунда нечоғли долзарб эканлигини кўрсатади.

Таъкидлаш ўринлики, юртимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг наркотик моддалар, психотроп моддалар ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган. Шунингдек, мамлакатимизда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани бу борада муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айтиш керакки, юртимизда бугунги кунда мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТнинг Марказий Осиёда наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон наркобизнесга қарши кураш борасида халқаро фаолиятни мувофиқлаштиришда самарали иш олиб бораётганини қайд этади.

Аммо шунга қарамай ҳаётда нафс қутқусига учиб, бу иллатга қўл ураётган кимсалар ҳам учраб туради. Шу ўринда фикримизни мисоллар билан давом эттирсак, Наманган вилоятида яшайдиган А.Зоитов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ана шундай кимсалардан биридир. У ҳовлисида наша гиёҳвандлик моддасини экиб етиштиради. Ушбу моддани ўзи истеъмол қилиши етмагандек, сотишни ҳам мақсад қилади. Худди кутганидек, 2012 йилнинг бошларида эски таниши Х.Исломов уни излаб келиб, "дори" кераклигини айтади. А.Зоитов унга бир қути заҳри қотилни 30.000 сўмга сотади. Осонгина қўлга киритган даромаддан қувонган А.Зоитов қолган гиёҳвандлик моддасини ҳам сотишни кўзласада, нопок ниятига ета олмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари томонидан унинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилади.

А.Зоитовнинг айби ўзи берган кўрсатмаларидан ташқари экспертиза хулосалари, воқеа жойида текшириш баённомаси ва фотосуратлар билан исботланган.

Амалдаги Жиноят кодексининг 72-моддасида агар суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкинлиги; шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек, олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги **"Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"**ги қарорининг 17-бандида судлар бу туркумдаги ишларни кўриш чоғида жазо тайинлаш масалаларига алоҳида эътибор беришлари лозимлиги; рецидивистлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни мунтазам равишда ёки кўп миқдорда сотувчилар, ўтказувчилар, жиноятнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари, наркотикларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг ҳудуди орқали олиб ўтишни ёхуд уларни турли усуллар билан тарқатишни таъминловчилар, худди шундай жиноятлар учун муқаддам судланганлар, вояга етмаганларни жиноятга жалб қилувчилар ва ҳоказолар қаттиқ жавобгарликка тортилишлари лозимлиги; шу билан биргаликда судлар гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаган, олган, сақлаган шахсларга нисбатан, шунингдек, уларни етиштирувчи аёлларга, 60 ёшдан ошган эркакларга, вояга етмаганларга ва жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин бўлган бошқа шахсларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масалаларини муҳокама қилишлари шартлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Суд А.Зоитовга жазо тайинлашда Жиноят кодексида белгиланган талаблардан ва Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, 3 йил синов муддати белгилади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳаётда пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилса, турли иллатлардан ўзини асраса, ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Мансур ИБРАГИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси*

КУЧ—АДОЛАТДА

*МУАССИС:*
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9512.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 21.00 Топширилди: 22.00